Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 109 (4507).
16 МАЙ 1981 й.
ШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТАСС АХБОРОТИ

ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ ОРБИТАДА

1981 йил 14 май куни Москва вақти билан соат 21 дан 17 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз-40» космик кемаси учирилди.

Космик кемани кема командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Леонид Попов билан тадқиқотчи-космонавт, Руминия Социалистик Республикасининг граждани Думитру Прунариудан иборат халқаро экипаж бошқармоқда.

«Союз-40» кемасининг учиш программасига мувофиқ у «Салют-6»—«Союз-Т-4» орбитал илмий-тадқиқот комплекси билан туташтирилади. Космонавтлар Попов ва Прунариу комплекс ичида 1981 йил 12 мартдан бери ер атрофи орбитасида ишлаб келаётган космонавтлар Ковалёнок ва Савиних билан биргаликда бир қанча тадқиқот ва экспериментларни бажаришлари лозим.

Халқаро экипажнинг космик учиши «Интеркосмос» программасига биноан амалга оширилмоқда, 1978 йил мартидан бери ўтган даврда Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатлар гражданларининг саккизта биргаликдаги учиши шу программа доирасида ўтказилди.

«Союз-40» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Космонавтлар Попов ва Прунариу ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Союз-40» космик кема командири СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Леонид Иванович ПОПОВ.

«Союз-40» космик кемасининг тадқиқотчи-космонавти, Руминия Социалистик Республикасининг граждани Думитру ПРУНАРИУ.

Леонид Иванович ПОПОВ

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Леонид Иванович Попов 1945 йил 31 августда Кировоград областининг Александрия шаҳрида туғилган.

1968 йилда Ленин комсомоли номидаги Чернигов учувчилар олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлаб чиққанидан кейин ҳарбий ҳаво кучларида қирувчи — учувчи бўлиб хизмат қилди.

1970 йилда Леонид Иванович космонавтлар отрядига қабул қилинди. Космик аппаратларнинг учишини бошқаришда қатнашди.

Л. И. Попов — 1971 йилдан буён Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

1976 йилда космонавтлар тайёрлаш марказида ишлаб, айни бир вақтда Ю. А. Гагарин номли ҳарбий-ҳаво академиясини тамомлади.

Л. И. Попов 1980 йилда «Салют-6» станциясидаги асосий экспедициянинг командири сифатида биринчи марта 185 сутка давомида космосда учди.

Думитру ПРУНАРИУ

Руминия Социалистик Республикасининг граждани Думитру Прунариу 1952 йил 27 сентябрда Брашов шаҳрида туғилган.

1976 йилда Бухарест политехника институтини тамомлагандан кейин авиация заводида инженер бўлиб ишлади. Сўнгра ҳарбий авиация офицерлари мактабини битириб чиқиб, Руминия халқ армияси авиация полкида хизмат қилди.

Старший лейтенант-инженер Думитру Прунариу 1973 йилдан буён Руминия Коммунистик партиясининг аъзоси.

1978 йил мартида Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказида «Интеркосмос» программасига мувофиқ космик учишга ҳозирлик кўра бошлаган. Киши бошқарадиган «Союз» кемаси ва «Салют» орбитал станцияси программасига биноан тўла таълим курсини тамомлади.

КЎПЛАБ, ЮҚОРИ СИФАТЛИ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

ШАҲАР ПАРТИЯ—ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг мажлислар залида шаҳар партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорлари асосида кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ҳамда савдо маданиятини ошириш бўйича партия, совет, хўжалик ташкилотларининг вазифалари масаласи қараб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. УМАРОВ доклад қилди.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашлари, деди докладчи, барча совет халқи сингари ўзининг ижодий қувватларини КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга, партиянинг экономикани, совет халқининг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ бўлган турли-туман вазифаларини ҳал этиш йўлига қаратмоқдалар. «Аниқ инсон ҳақида, унинг эҳтиёж ва заруратлари ҳақида аниқ тамҳўрлик, деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съезддаги ҳисобот докладида,— партия иқтисодий сиёсатининг боши ва сўнгги нуқтасидир».

Бу аниқ кўрсатма кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича ҳозир ишлаб чиқилаётган программада мужассамланмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари асосида 1981 йилда саноат буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланяпти. Диққат-эътиборни кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, ўн биринчи беш йилликда аҳолига савдо хизматини ошириш масалаларини қандай йўллар ва воситалар билан ҳал этиш масалаларига қаратмоқдалар.

Ҳозирги пайтда шаҳардаги саноат ишлаб чиқариш ҳажмида кенг истеъмол буюмлари салмоғи 37 процентни ташкил этади. Бу буюмларни ишлаб чиқариш билан 122 саноат корхонаси ва бирлашмаси шуғулланади. Ўнинчи беш йилликда уларни ишлаб чиқариш бир маъромда ривожланди ва 52,8 процентга ўсди.

Шаҳар саноати 5,3 миллиард сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарди. 166 миллион сўмлик турли-туман кенг истеъмол буюмлари планга қўшимча тайёрланди. Ҳозирги пайтда республикада ишлаб чиқарилаётган 80 процент ип-газлама, 39 процент устки трикотаж буюмлари, 30 процент чарм пойафзал, 29 процент кондитер буюмлари пойтахт саноати корхоналарида тайёрланмоқда.

Шаҳар савдо ташкилотлари аҳолига хизмат кўрсатишда катта ишлар қилишди. Чакана товар оборати беш йиллик мобайнида 547,7 миллион сўмликка ўсди. Бу 41,4 процентни ташкил этади. Аҳолига планга қўшимча 103 миллион сўмлик буюм сотилди.

Беш йиллик мобайнида умумий овқатланиш оборати 30 процентга ортди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса гоят зарур бўлган сут ва сут маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, тухум, гўшт, сабзавот ва мева савдоси сезиларли даражада ўсди.

Саноат корхоналари, савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари беш йиллигининг биринчи йилини ҳам яхши бошлашди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал плани 2,7 процент ортиғи билан ado этилди.

Янги ишга туширилган электр рўзғор буюмлари, ошхона ва бошқа мебеллар заводлари, кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати филиаллари ишлаб чиқаришни ошириб боришяпти. Шаҳардаги бир қатор корхоналар — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, «Малика» трикотаж бирлашмаси, «Миконд», чинни заводлари мавжуд қувватлардан фойдаланишда анча самарадорликка эришишяпти. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида, «Ташавтоматика», «Ташхимсельмаш» заводларида ва бошқа корхоналарда маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш сезиларли даражада ўсди.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида умумий овқатланишнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга 67,4 миллион сўм сарфланди.

Ҳозир шаҳарда 703 та магазин ўз-ўзига хизмат усулида ишлаяпти, улар 65,5 процент буюмни реализация қилишяпти. Хизмат кўрсатишнинг буюмга аввалдан буюртмалар бериш, уйга етказиб бериш каби формалари янада ривожланди.

Умумий овқатланиш корхоналарида ўринлар сони 30 мингтадан кўпроққа ортди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига, маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этишга муҳим аҳамият берилятпти.

Ҳозирги пайтда шаҳар саноати 714 буюмни давлат Сифат белгиси билан тайёрлаяпти, шундан 570 таси кенг истеъмол буюмларидир. Жумладан, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида умумий маҳсулот ҳажмида олий категориядаги буюмлар 50 процентни, тикувчилик бирлашмасида 36 процентни, бош кийимлар фабрикасида эса 43,6 процентни ташкил этади.

Шу билан бирга кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган бир қатор корхоналар ишида, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида талайгина камчиликлар ҳам бор.

Музокарада сўзга чиққанлар, жумладан, мана шулар ҳақида гапирдилар.

Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари **О. Расулов** «Ташпромстрой» қурувчиларини кўнмўйна заводининг бўяшохорлаш цехини сусткашлик билан қураётганлиги учун танқид қилди.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси **И. Басанец** харидорлар эҳтиёжига жавоб берадиган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш муаммолари ҳақида гапирди.

Тўқимачилик комбинати директори **В. Соатов**, чинни заводи ишчиси **А. Комилова**, «Узгосстандарт» бошлиғи ўринбосари **С. Мясников**, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғи **Н. Аҳмедов** ва бошқалар оз маблағ ва куч сарфлаб кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатни бошқаришнинг комплекс системасини жорий этишга муҳим аҳамият беришяпти.

Ҳозирги пайтда шаҳар саноати 714 буюмни давлат Сифат белгиси билан тайёрлаяпти, шундан 570 таси кенг истеъмол буюмларидир. Жумладан, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида умумий маҳсулот ҳажмида олий категориядаги буюмлар 50 процентни, тикувчилик бирлашмасида 36 процентни, бош кийимлар фабрикасида эса 43,6 процентни ташкил этади.

Шу билан бирга кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган бир қатор корхоналар ишида, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида талайгина камчиликлар ҳам бор.

Музокарада сўзга чиққанлар, жумладан, мана шулар ҳақида гапирдилар.

Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари **О. Расулов** «Ташпромстрой» қурувчиларини кўнмўйна заводининг бўяшохорлаш цехини сусткашлик билан қураётганлиги учун танқид қилди.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчиси **И. Басанец** харидорлар эҳтиёжига жавоб берадиган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш муаммолари ҳақида гапирди.

Тўқимачилик комбинати директори **В. Соатов**, чинни заводи ишчиси **А. Комилова**, «Узгосстандарт» бошлиғи ўринбосари **С. Мясников**, Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо Бош бошқармаси бошлиғи **Н. Аҳмедов** ва бошқалар оз маблағ ва куч сарфлаб кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатни бошқаришнинг комплекс системасини жорий этишга муҳим аҳамият берилят

«Госкомсельхозтехника»нинг Тошкент тажриба-ремонт механика заводи коллективи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиб, бу йил қишлоқ механизаторлари учун кўплаб трактор двигателлари ва гидравлик пресслар ишлаб чиқаришга аҳд қилган.

СУРАТДА: (ўнгда) илғор йиғувчи слесарлардан Р. Хурматулин, Р. Ибрагимов ва В. Кривошапколарини кўриб турибсиз.

* * *

Чапдаги суратда шаҳримиздаги «Геологоразведка» тажриба экспериментал заводининг илғор токари КПСС аъзоси Маҳмуд Содиқов тасвирланган.

М. Нуриддинов фотолари.

Мукофот муборак!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган ютуқлари учун мукофотлансин:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Йўлдошева Тожи — Тошкент темир йўли почтамтининг сараловчиси.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Никитина Мария Васильевна — Тошкент телеграфининг телеграфчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Злотников Семён Павлович — радио эшиттириш, радио алоқа ва телевидение республика узели бошлиғининг ўринбосари.

Зоитов Комил — Тошкент телеграфининг электр монтёри.

Исамуҳамедова Салима Ғофуровна — Ўзбекистон ССР алоқа министрлиги бўлим бошлиғи.

Ларин Мустафо Хасанович — Тошкент шаҳар телефон тармоғининг электр монтёри.

Мирзаева Холидахон Қаюмовна — Тошкент телеграфининг телеграфисти.

Шомо Мария Гавриловна — Ҳаво йўллари бўйича почта ташиш Тошкент бўлинмасининг сараловчиси.

Янгуразов Рауф Холитович— 10-шаҳарлараро алоқа ва телевидение территориал маркази бошқармасининг бошлиғи.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Тўхтаев Темур Мақсудович — Ўзбекистон ССР Алоқа министри.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Галкин Анатолий Михайлович — Тошкентдаги «Промсвязь» тажриба заводининг бош инженери.

Ғуломов Ҳикматилла Ғуломович — Тошкент шаҳар телефон тармоқлари Бош бошқармасининг бошлиғи.

Давликанова Дилафрўз Гереевна — Чилонзор район алоқа узелининг бўлим бошлиғи.

Ибрагимова Сония Холматовна — Куйбишев район алоқа бўлимининг бўлим бошлиғи.

Кожемяко Зинаида Ивановна — СССР Алоқа министрлиги 2-давлат иттифоқ лойиҳа институтининг лойиҳалар катта инженери.

Коротина Надежда Феодоровна — Тошкент алоқа политехникуми кутубхонасининг мудири.

Кузнецова Нелла Николаевна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари.

Нагин Григорий Петрович — Тошкент темир йўли почтамти почта вагонининг бошлиғи.

Содиқова Нафиса — «Союзпечать» Киров район агентлигининг киоскачиси.

Сон Владимир Мунхович — Тошкент алоқа электротехника институтининг проректори.

Суханова Вера Михайловна — республика шаҳарлараро телефон станциясининг телефонисткаси.

Тоғайалиев Абдунаби — Ўзбекистон ССР алоқа министрининг биринчи ўринбосари.

Турғунов Тўйчи — радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение республика узелининг тракторчиси.

Шевченко Елена Петровна — Ҳамза район телефон алоқаси узелининг цех бошлиғи.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Акромов Акбар — Тошкент шаҳар телефон тармоғининг кабелчи-пайвандловчиси.

Дмитриева Нина Степановна — Тошкентдаги «Промсвязь» тажриба заводининг прессловчиси.

Комилов Хожиакбар Раҳмонович — Тошкент шаҳар телефон тармоғининг кабелчи-пайвандловчиси.

Командровский Виктор Михайлович — Тошкент шаҳар телефон тармоғининг электр монтёри.

Король Владимир Викторович — «Межгорсвязьстрой» тресги қурилиш-монтаж бошқармасининг машинисти.

Красюков Василий Илларионович — Тошкентдаги «Промсвязь» тажриба заводининг слесари.

Қулаҳмедов Ҳасан Солижонович — Тошкент шаҳар телефон тармоғининг электр-монтёри.

Сало Мария Филипповна — 1-«Узбексвязьстрой» трести Тошкент ихтисослашган қурилиш-монтаж алоқа бўлимининг монтажчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Отауллаев Абдуғани Ғуломович — «Союзтелефонстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг алоқа монтажчи-кабелчиси.

Гаппурова Накия Галязовна — Чилонзор район алоқа узелининг почтальони.

Жабборов Абдуқодирхўжа — Киров район алоқа узелининг почтальони.

Жўрабоева Маҳмуда Абдумажитовна — республика шаҳарлараро телефон станциясининг телефонисткаси.

Иванова Юлия Алексеевна — «Межгорсвязьстрой» трести 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг инженери.

Мирабзалов Миролим Мирганиевич — Тошкент темир йўли почтамтининг алоқа оператори.

Мирхўжаева Замира Борисовна — Куйбишев район алоқа узелининг телефонисткаси.

Мусин Олег Маҳмудович — СССР Алоқа министрлиги 2-давлат иттифоқ лойиҳа институтининг группа раҳбари.

Нажмиддинов Жалол Насриддинович — Тошкент темир йўли почтамтининг проводниги.

Пўлатов Тожиддин Зиёевич — «Узгипросвязь» институтининг бўлим бошлиғи.

Сазонов Алексей Семёнович — республика шаҳарлараро телефон станциясининг электр монтёри.

Тюрин Александр Васильевич — «Союзтелефонстрой» трести қурилиш-монтаж бошқармасининг алоқа монтажчиси-пайвандловчиси.

Файзиев Нажмиддин Шамсуддинович — республика алоқа бўлимининг ходими.

Черенцова Лидия Сергеевна — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг бўлим бошлиғи.

Шарифова Ҳимоят —Тошкент алоқа электротехника институтининг доценти.

Шевченко Владимир Георгиевич — 10-шаҳарлараро алоқа ва телевидение территориал маркази бошқармасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Шчукина Валентина Ивановна — ҳаво йўллари бўйича юк ташиш Тошкент бўлинмасининг смена бошлиғи.

Чичка Анна Александровна — «Союзпечать» Киров район агентлигининг киоскачиси.

Яковлев Владимир Васильевич — Тошкент алоқа электротехника институтининг доценти.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Аҳролова Ойпўлат —Акмал Икромов район алоқа узелининг почтальони.

Голикова Анна Ивановна — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг бўлим бошлиғи.

Горюшкина Александра Петровна — «Союзпечать» Фрунзе район агентлигининг сараловчиси.

Давронов Тожибой — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги корхонасининг группа бошлиғи.

Зарипова Лола Ҳакимовна — республика шаҳарлараро телефон станциясининг телефонисткачиси.

Ибрагимов Туроб —Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги корхонасининг группа бошлиғи.

Казакова Саида Сигбатуллаевна — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Қаюмова Нортожи Тешабоевна — Тошкент телеграфининг телеграфчилар бригадири.

Қувоқов Тўра — Тошкент шаҳар радиоэшиттириш тармоқлари бўлимининг электр-монтёри.

Муҳаммаджонов Ўлмас Алимович — Тошкент алоқа электротехника институти дурадгорлик устахонасининг мудири.

Нодирова Дания Муҳамеджоновна — радиоэшиттириш, радио алоқа ва телевидение республика узелининг электр монтёри.

Нурматов Шермат —Тошкент телеграфининг электр монтёри.

Петюкова Роза Васильевна — Фрунзе район алоқа узелининг оператори.

Протасова Любовь Поликарповна — Чилонзор район алоқа узелининг почтальони.

Рафиқов Ҳалил Абдухаборович — ҳаво йўллари бўйича почта ташиш Тошкент бўлинмасининг сараловчиси.

Савельева Любовь Михайловна — Сергели район алоқа узелининг почтальони.

Саидова Шоира Султоновна — республика ахборот-ҳисоблаш марказининг оператори.

Ҳусанбоева Холида —Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги корхонаси бўлинмасининг бошлиғи.

Шоҳакимов Шоакрам — Сергели район алоқа узелининг оператори.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1981 йил, 2 апрель.

Пропагандист ва тингловчиларга ёрдам

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

4 — ТЕМА

Партия—совет халқининг авангарди

2. Партиявий раҳбарлик методларини такомиллаштириш.

Партиявий раҳбарлик методларини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқаётганда шуни таъкидлаш керакки, КПСС XXVI съезди бу масалага катта эътибор берди. Партия ленинча демократик централизм принципига оғишмай риоя қилиб, партия ички демократиясини ривожлантира бориб, жамиятимизнинг экономикаси, ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаётига раҳбарлик методларини муттасил такомиллаштириб бормоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қилган Ҳисобот докладида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, партия съездлари КПСС раҳбарлик ролининг олий ифодасидир. Съездлар совет жамияти ҳужумкор ҳаракатининг бош йўлини белгилаб бермоқда.

Съезд— партиянинг олий органидир. Ленинчи партиянинг ҳар бир съезди чинакамига тарихий, ноёб давр, жуда катта жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга воқеадир. Мана улардан баъзилари:

РСДРП II съезди янги типдаги марксча-ленинча партияни пролетариатнинг жанговар сиёсий ташкилотини тузди, унинг қўлига эксплуататорларга қарши курашда қудратли қурол берди, ишчилар синфининг сиёсий ҳокимиятни эгаллаш программаси бўлган — биринчи партия программасини қабул қилди.

РСДРП (б) VI съезди пролетариатни капитализм қалъасини ишғол этишга чорлади.

РКП (б) VIII съезди партиянинг иккинчи программасини— СССРда социализм қуриш программасини қабул қилди.

ВКП (б) XVIII съезди партияни СССРнинг социализм қурилишини туғаллаш ва тобора коммунизмга ўта бориш босқичига қадам қўйиши билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишга йўллади.

КПССнинг XXII съезди партиянинг учинчи программасини — коммунизм асосларини қуриш программасини қабул қилди.

Партиянинг XXIV ва XXV съездлари совет жамиятининг коммунизм йўлидаги ҳужумкор ҳаракатининг янги босқичини — ривожланган, етук социалистик жамият босқичини чуқур таҳлил этди, ривожланган социализм шароитларида партиянинг иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқди, инсонпарвар, реалистик Тинчлик Программасини илгари сурди.

Совет коммунистларининг XXVI съезди халқимиз ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Тингловчилар эътиборини шунга қаратиш керакки, партиянинг раҳбарлик роли назария масалаларини ишлаб чиқишда, ички ва ташқи сиёсатни белгилашда, коммунистик қурилишнинг навбатдаги ва перспектив вазифаларини белгилашда намоён бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси — кўп миллионли партиямизнинг чинакам жанговар штабидир. Ҳисобот докладида партиянинг икки съезди ўртасидаги унинг фаолияти чуқур таҳлил этилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилик қилаётган КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси бутун фаолияти КПСС XXV съезди ва Марказий Комитет Пленумлари қарорларини амалда бажаришга, ички ва ташқи сиёсатдаги янги ҳолатларга доир асосий моментларга қаратилди.

КПСС Марказий Комитетининг Секретариати шуғулланган асосий проблемалар доираси —кадрлар танлаш, ижрони ташкил этиш ва текшириш, партия турмушининг амалдаги бутун жорий масалаларидан иборат бўлди. Ҳисобот даврида Секретариат 250 та мажлис ўтказди.

Съездда таъкидланишича, маҳаллий ташкилотлар фаолиятида ижобий тажрибалар тўпланди. Ўзбекистон ва бошқа қардош республикалар партия ташкилотлари ишларидан мисоллар келтириш лозим.

Ўзбекистон Компартиясининг XIX ва XX съездлари ўртасида Марказий Комитетнинг 19 пленуми, партия ва партия-хўжалик активининг 30 та йиғилиши бўлиб ўтди. Бюронинг 143 та мажлиси ва Секретариатнинг 115 та мажлиси ўтказилди. Марказий Комитет Секретариати ва бўлимларининг қарорларнинг бажарилишини ташкил этиш ва ижрони назорат қилишни кучайтиришдаги роли ошди.

Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида Ўзбекистоннинг умумиттифоқ меҳнат тақсимотида асосий пахта етиштирувчилик роли алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шунинг учун ҳам республика партия ташкилоти йилдан-йилга пахта тайёрлаш миқдорини ошириб бориш, унинг сифатини яхшилаш учун барча тадбирларни кўрди. Ўзбекистон деҳқонлари, барча меҳнаткашлари пахта етиштиришни муттасил кўпайтиришга СССРдаги барча қардош халқлар, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари олдидаги ўзининг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчи деб қарамоқда.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистон Коммунистик партияси раҳбарлиги остида республикада пахтачилик ғоят тез суръатларда ривожланиб кетди. Ғўзани парвариш қилиш ва пахтани йиғиб-териб олишнинг прогрессив механизациялашган технологияси ўзлаштирилди, деҳқончилик маданиятини оширишга қаратилган пухта тадбирлар амалга оширилди. Ҳисобот доклади ва съезд материалларида бошланғич партия ташкилотларининг тобора ошиб бораётган роли алоҳида қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси составида 18 минг 402 бошланғич партия ташкилоти бор. Тошкент шаҳар партия ташкилоти ҳисобида улар сони — 2071 та.

Ҳозир бошланғич партия ташкилотларига тажрибали, маълумотли, ишнинг кўзини биладиган, обрўли коммунистлар, ишлаб чиқариш илғорлари, омманинг ҳақиқий етакчилари бошчилик қилмоқдалар.

Уларнинг фаолиятига раҳбарлик ҳар томонлама яхшиланаяпти. Замон талабларига кўра улар сиёсий ва хўжалик, ташкилотчилик ва идеологик ишларни янада оқилона қўшиб олиб борадиган бўлиб қолишди. Бу ерда шаҳар бошланғич партия ташкилотлари, корхоналар, муассасалар иш тажрибаларидан мисоллар келтириш лозим.

КПСС XXVI съезди **партиявий раҳбарлик савиясини янада ошириш** масалаларига алоҳида эътибор берди.

Партия сиёсий, ташкилий, идеологик, назарий раҳбарликни амалга оширяпти. В. И. Ленин таъкидлаб айтганидек, партиявий раҳбарликнинг моҳияти— **кишиларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва ижрони текширишдан** иборат.

Владимир Ильич Ленин қайта-қайта таъкидлаганидек, кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш бу биринчи навбатда уларнинг сиёсий ва ишчанлик сифатларини ҳисобга олиб, уларнинг жой-жойига қўйилишини янада яхшилаш, халқ хўжалигининг ҳал қилувчи участкаларига кучларни сафарбар этишдан иборатдир.

Раҳбар кадрларнинг сифат составини янада яхшилаш, уларнинг малакасини ошириб бориш бўйича иш тажрибаларини очиб бериш керак. Партия мутахассисларни раҳбарлик ишига кўтариш линиясини актив ўтказиб, айни пайтда ишчи, колхозчиларни раҳбарлик ишларига кўтаришга ҳам эътиборни сусайтирмаяпти. Улар область, шаҳар, район партия комитетлари бюролари составига, шаҳар, район Советлари ижроия комитетлари составига сайланмоқдалар. Ўзбекистон ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларининг 70 мингдан зиёд вакиллари партия комитетларининг аъзолари, халқ депутатлари ҳисобланишади.

Мазкур коллективда ишлаётганлар орасидан раҳбар партия, совет ва бошқа органларда актив иш олиб бораётган корхона ишчиларини мисолга олиб ўтиш лозим.

Съезд хотин-қизларни партия, совет ва хўжалик раҳбарлик ишларига янада кўпроқ кўтариш вазифасини қўйди.

Масалан, Ўзбекистонда ҳар тўрт инженернинг бири — хотин-қиз. Врачларнинг 57 проценти хотин-қизлардир. Ўқитувчиларнинг 45 процентдан зиёди хотин-қизлардир. 45 мингдан зиёд хотин-қиз халқ депутатлари қилиб сайланганлар, Шаҳар партия комитети, район партия комитетлари секретарларининг 28 проценти хотин-қизлардан иборат. Кўплаб хотин-қизлар министр, республика идораларининг раҳбарлари бўлиб ишлашяпти. Минглаб хотин-қизлар эса бошланғич партия ташкилотларига, корхоналар, цехлар, бригадаларга бошчилик қилишяпти.

Шу билан бирга ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида хотин-қизларни масъулиятли лавозимларга кўтариш имкониятларидан ҳамон тўлиқ фойдаланилмаётгани айтиб ўтилди. Бундай аҳволни тузатиш керак.

Пропагандистларга жойлардаги хотин-қизларнинг самарали ишларидан мисоллар келтириб ўтиш тавсия этилади.

Партиянинг ташкилотчилик фаолиятида қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш масалалари ҳам унинг Марказий Комитети диққат марказида турди.

Турли лавозимлардаги раҳбарларнинг ҳисоботлари, ахборотлари муттасил эшитиб борилди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети ҳамда маҳаллий партия органларининг партия комиссиялари партия ва давлат интизомини бузишларга қарши курашни кучайтирдилар.

Бу йўналишда партия ташкилотининг амалдаги фаолиятидан мисоллар келтириш лозим.

Партиямиз ва мамлакатимизда яхши маънавий-сиёсий муҳит таркиб топди. Бу партия сафларининг жипслиги билан, КПСС Марказий Комитетининг ишчанлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш борасидаги муттасил ғамхўрлиги, КПСС олий органларининг ҳақиқий ленинча иш услуби натижасидир. Марказий Комитет давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ички ва ташқи сиёсатнинг етилган масалаларини конкрет, ижодий ҳал этмоқда. Унинг фаолияти ижтимоий жараёнларга илмий ёндошиши, партия турмуши нормаларига, коллектив раҳбарлик принципига қатъий риоя қилиши, кадрларга юксак талабчанлик ва ҳурмат билан ёндошиши, омма билан узвий алоқаси, марказий ва маҳаллий органлар таклифларига диққат билан муносабатда бўлиши билан изоҳланади. Буларнинг ҳаммаси бутун партиямиз ва ҳар бир партия ташкилотининг самарали ишлашини таъминламоқда.

ТЕЖАМКОРЛИК— КОММУНИСТИК ХИСЛАТ

САРФ КАМАЙДИ

Тошкент трактор заводининг меҳнаткашлари бу ерда бошланган тежаб-терғаш ҳаракати туфайли ўн биринчи беш йиллик бошидан бери 300 тоннадан кўп металлни тежадилар. Пресслаш цехининг халқ контролерлари бу ишнинг ташаббускорлари бўлдилар.

Цех халқ контроли группасининг раиси инженер Сергей Янкин бошчилигидаги контролерлар кўпгина деталларни тайёрлаш учун лист номақбул бичилаётганлигини, кўп металл қийқимга чиқиб кетаётганлигини аниқладилар. Халқ контролерларининг таклифига биноан цехда инженерлар ва тажрибали ишчилардан ижодкор группа тузилди ва шу группа прокатни янгича бичиш методини таклиф этди. Айни маҳалда мутахассислар кўпгина қолипларнинг конструкциясини такомиллаштирдилар. Натижада ҳар бир тракторни тайёрлаб чиқаришдаги металл сарфи 3 килограммдан зиёд камайди.

Контролерлар цехда махсус стенд очиб унга металлдан фойдаланиш нормасидан ошиб кетаётган кесувчи ва прессловчиларнинг фамилияларини ёзиб борадиган бўлдилар.

Завод партия комитети пресслаш цехи контролерларининг иш тажрибаларини маъқуллади. Шестерня цехи, темирчилик цехи, пресслаш, пайвандлаш цехи ва бошқа цехларнинг халқ контролерлари тежаб-терғаш учун курашга актив қўшилдилар. Ўшаларнинг сигналларига кўра, бир қанча станокларнинг ускунаси алмаштирилди, баъзи деталларга механик ишлов беришда олинадиган қийқимлар камайтирилди, кўпгина операцияларда эса чиқитсиз технология жорий этилди.

(ЎзТАГ).

Шаҳримиздаги 31-темир йўл ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари ўз практикаларини Тошкент тепловоз депосида ўтказиб, танлаган касблари бўйича дастлабки кўникмаларни ҳосил қиладилар.

СУРАТДА: депо ремонт участкасининг катта мастери Н. Аҳмаджонов бўлажак ёш ишчилар билан суҳбатлашмоқда.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ОМБОРГА ЯШИРИЛГАН ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда шаҳардаги айрим озиқ-овқат магазинлари ишидаги нуқсонлар танқид қилинган эди. Бу материалга қатор савдо ташкилотлари ўз жавобларини йўллаган эдилар.

Шаҳар савдо Бош бошқармаси ана шу материал юзасидан қуйидагиларни маълум қилди. Газета материали бошқарманинг кенгайтирилган советида муҳокама этилди. Бунда савдо хизматини яхшилашнинг барча масалалари атрофлича кўриб чиқилди ва конкрет чора-тадбирлар белгиланди. Айбдорлар жазоланди. Савдо ишини яхшилаш, аҳолини зарур маҳсулотлар билан бетўхтов таъминлаш мақсадида зарур ишлар амалга оширилди.

* * *

Газетанинг ушбу материалига Акмал Икромов район савдо бўлимидан ҳам жавоб олиниб, унда ҳам қандай чоралар кўрилгани маълум қилинган.

«ҚАЕРДАН ЮРАМИЗ?»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда Собир Раҳимов районидаги айрим кўчаларнинг нобоплиги танқид қилинган эди.

Район ободонлаштириш бошқармасидан олинган жавобда мазкур кўча ва йўлкалар ремонт қилинаётгани маълум этилди.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

ВИГОВОР БЕРИЛДИ

Редакцияга келган хатлардан бирида 7-таксопарк шофери Рўзиев йўловчига ноўрин муносабатда бўлингани устида шикоят қилинган эди.

Таксопарк маъмуриятининг хабар беришича, шофер Рўзиев айбига иқрор бўлгани, йўловчидан узр сўрагани инобатга олиниб, унга виговор берилган.

Олижаноб мақсад

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасида соғлиқни сақлашни ривожлантиришга ва даволаш объектлари қурилишига катта эътибор берилмоқда. Мамлакат иқтисодий тараққиётининг янги беш йиллик планида мамлакатнинг бутун аҳолиси медицина хизматини йўлга қўйиш, хатарли, юқумли касалликларни батамом тугатиш, ҳар бир меҳнатчини медицина хизматидан баҳраманд қилишдек олижаноб мақсад ўртага қўйилган. «Анис» газетасининг ёзишича, шу йилнинг ўзидаёқ Афғонистоннинг турли вилоятларида касалхоналар қурила бошлайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ҳирот шаҳрида 200 ўринли, Жалолободда 200 ўринли, Файзободда 100 ўринли касалхона қуришга киришилди. Бундан ташқари Қобулда янги-янги туғруқхоналар, эмлаш марказлари, қон қуйиш станцияси қуриладн, йирик корхоналарда медицина хизмати пунктлари барпо этилади.

Афғонистон пойтахтида Совет Иттифоқи билан АДР ўртасида имзоланган битимга мувофиқ қурилган катта поликлиниканинг очилиши Қобул шароитида муҳим воқеа бўлади. Совет корхоналари Афғонистонга замонавий техника ва медицина асбоб-ускуналари етказиб берадилар, уларни созлаш ва ишлатишга кўмаклашадилар. Янги поликлиникада Қобулдан ташқари теварак атрофдаги шаҳарларнинг ишчилари, хизматчилари, ўқувчилари ҳам медицина ёрдами оладилар. Бу муассаса афғон медикларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази бўлиб қолади. Поликлиника биноларн ёнида қон қуйиш станцияси ҳам қурилмоқда.

«Ҳақиқати инқилоби саврн» газетаси қурилаётган объектларнинг техникавий ҳужжатларини тайёрлашда кўмаклашган совет мутахассисларига, шунингдек Афғонистон бошига мушкул кунлар тушган пайтда дўстлик ва беғараз ёрдам қўлини узатган Совет Иттифоқи халқига астойдил миннатдорчилик изҳор этади.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЖАДАЛ СУРЪАТЛАР БИЛАН

ПХЕНЬЯН. КХДРнинг катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳри бўлган Чхонжинда йирик ТЭЦ қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. 150 минг киловатт қувватли бу ТЭЦ Совет-Корея ҳукуматлараро битимига мувофиқ Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий кўмаги билан барпо этилмоқда.

Қурувчилар ҳозирданёқ станция биринчи навбатининг пойдеворини барпо этиб бўлдилар. Битта труба агрегатдан ва иккита кучли қозондан иборат станция биринчи навбатининг ҳар бир қозони соатига 210 тонна буғ ҳосил қила олади. Графикка мувофиқ Чхонь Чжин ТЭЦининг биринчи навбатини шу йил фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Станция 1983 йилда тўла қувватга эришади. Бунинг учун қурувчилар катта иш ҳажмини бажаришлари ва 50 минг киловатт қувватли яна иккита турбинани, шунингдек учта буғ қозонини ўрнатишлари зарур.

РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАРМОҚ

СОФИЯ. Болгария химия саноатининг юз минг кишилик армияси ўзининг профессионал байрамини юксак меҳнат ғалабалари билан кутиб олмоқдалар.

Мамлакат халқ хўжалигининг шу тармоғида ўтган 25 йил мобайнида маҳсулот ҳажми сал кам 40 баравар кўпайди. Химия саноати энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири бўлиб, мамлакатдаги жами саноат ишлаб чиқаришининг 12 процентини таъминламоқда.

Шу йиллар мобайнида нефть химияси ва нефтни қайта ишлашни ривожлантиришга, пластмассалар, химиявий тола, синтетик каучук ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта эътибор берилди. Ўтган беш йилликда 1630 тадан кўпроқ янги такомиллаштирилган технология жорий этилди, Болгария химия саноатининг социалистик меҳнат тақсимотидаги иштироки анча кенгайди. БХР 50 дан зиёд халқаро битимларни имзолади ва юздан кўпроқ илмий ҳамда техникавий мавзуларни икки томонлама ва кўп томонлама асосда ишлаб чиқмоқда. Ҳозирги вақтда Болгария химия саноатининг икки юздан кўпроқ номдаги маҳсулотини дунёдаги 80 дан кўпроқ мамлакатга экспорт қилмоқда.

Ҳикматлар хазинасидан

Оила ҳақида

● Ҳар ким ўғлини ёшлигидан тарбияласа, катта бўлгач ўзининг кўзларини мафтун қилади.

● Оилангга одоб ўргат, бу билан уларга фойда етказасан.

● Болага ёшлигидан одоб ўргатиш тош устига нақш ўймоқ кабидир.

● Ота-онасига нафрат билан қараган одамнинг ақли йўқдир.

● Хушбахтлик оналарнинг оёқлари остидадир.

● Яхши хотин уйни обод қилар.

● Хотинларнинг яхшиси эрига ўхшаганидир.

● Бола ўз отасининг хосиятига кўра тарбияланади.

● Юмушларинг кўпаймасдан илгари, болаларинг таълим-тарбиясига кириш.

● Бир қизга уйланишни хоҳлаганингда, онасининг одобини суриштир.

● Душманчиликдан кейинги ярашиш каби ширин нарса бўлмайди.

● Дўстликнинг балоси сўз ташишдир.

Сабр-қаноат ҳақида

● Қийинчилик ҳамиша хайрли келажакдан хабар беради.

● Сабр билан иш кўрган пушаймон бўлмаган ва пушаймон бўлмас.

● Сабр билан ҳар бир мақсадга етиш мумкин.

● Ўзинг ўзингга хушхабар бергинки, сабрнинг сўнгги ғалаба.

● Ҳамма нарса бўла туриб, ношукурлик қилиш аҳмоқлик.

● Яхши кунни ёмон кунга сотма.

● Саҳийликнинг энг чўққиси борини беришдир.

● Пасткашликнинг калити таъмадир, адоватнинг калити кўролмасликдир, роҳатнинг калити қаноатдир.

● Хушбахтликнинг суръати секин бўлади.

● Мусибат чоғида сабрсизлик қилиш мусибатнинг ўзидан ҳам оғир.

● Инсоннинг сабри унинг кўмакчисидир.

● Йўқ нарсани қидирган хор бўлади.

● Ёмонлик фақат сабр билан даф қилинади.

● Молу дунёдан дардисар бўлмайдиган нарсаларни, ҳаётдан эса лозим бўлган миқдорда ол.

● Дунё пиёдани ҳамиша пиёда, отлиқни ҳамиша отлиқ қилиб қўймайди.

● Замонанинг ҳар хил кийимлари бор, сен ҳам унинг кийган кийимида бўл.

● Ўз ҳавосининг кетига тушган одам, ўз оёғи билан ўлимга кетади.

Жаҳл ва бахиллик ҳақида

● Бахиллик одамни халқдан узоқлаштиради.

● Бахил одам ўз молининг қўриқчиси ва ворисларининг омборчисидир.

● Нодонликдан буюк мусибат йўқдир.

● Роҳат истасанг, жоҳил одамдан ўзингни торт, чунки туз ва темирни ташиш жоҳил одам билан бирга бўлишдан осонроқдир.

● Жоҳил ўғил онасини ташвишлантиради.

● Жоҳилга жавоб бермасликнинг ўзи жавобдир.

● Ҳар ким ўзини билагон ҳисобласа, халқ уни нодон санайди.

● Ҳалокатга уч нарса олиб боради: бахиллик, таъмагирлик ва манманлик.

● Уч нарса жоҳилларга хосдир: ўринсиз ғазабланиш, ўринсиз садақа ва дўст билан душманни ажрата билмаслик.

● Уч нарсадан қутилиш учун уч нарсага яқинлашма: бахил бўлма, азобланасан; хасис одам билан ўтириб турма, маломатга қоласан, мол-дунёга кўп ҳирсингни қўйма, халқни ўзингга душман қиласан.

● Ғазабнинг боши жиннилликдир, охири пушаймонлик.

● Жоҳил одам насиҳатни қабул қилмайди.

● Жоҳил одам яхшилик билан ёмонликнинг фарқига бормайди.

● Жоҳил одамнинг айби кийимининг устидан ҳам билинади.

● Жоҳилларнинг нодонлиги бўлмасайди, олимларнинг илми билинмасди.

● Нодонлик гўё бир туядирки, уни минган киши тойиб кетади ва унга йўлдош бўлган киши ўз йўлидан адашади.

Ҳ. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати, арабшунос.

● Бош пландан бир лавҳа

Консерваториянинг янги биноси

Комсомол ва Ҳадра майдонларини туташтирувчи Фурқат кўчаси реконструкция қилинганидан кейин янада гўзаллашиб кенг, обод проспектга айланди. Келгусида бу проспектнинг ҳар иккала томонида республикамиз пойтахтига ажойиб гўзаллик бағишлайдиган ўнлаб архитектура комплекслари, меъморчилик ансамбллари қад кўтаради. Улардан бири Тошкент Давлат консерваториясининг янги биносидир.

Ўзбекистон шаҳарлар қурилишини лойиҳалаш илмий тадқиқот институтининг бир группа меъморлари консерватория янги комплексининг лойиҳасини тайёрладилар. Архитекторлар Д. Шуваев, Н. Шуваева, Е. Сакоян, М. Аҳмедов, инженерлар А. Мамедов, С. Бурлак, В. Корейшалардан иборат ижодий коллектив ИИС—04 серияли йиғма темир-бетон синчлари асосида қуриладиган бу бино ўзбек миллий меъморчилик санъати тажрибаларига уйғун бўлишига алоҳида аҳамият бердилар.

Консерваториянинг янги биноси Фурқат кўчасининг «Қоратош» кварталидан жойлашадиган қисмида қад кўтаради. Бу ерда консерваториядан ташқари Тошкент маданият институти, театр ва рассомлик санъати институти, Ҳамза номли музика билим юрти, Бенков номли рассомлик билим юрти каби санъат ўқув юртларининг бинолари ҳам комплекс равишда қурилади. Консерватория комплекси асосан 900 студентнинг билим олишига мўлжаллан-



ган бўлиб, унда 600 ўринли концерт зали, минг ўринли опера студияси ҳам жойлашади. Натижада бу объектлар бир бутун ҳолда шаҳар маданий марказини ташкил этади. Кутубхона, ўқув корпуслари, мажлислар зали, аудиториялар, концерт зали, опера студияси ва бошқа бинолар зарур ёрдамчи иншоотлар билан бутун ҳолда ягона ҳовли ва вестибюль фоесига туташтирилади.

Консерватория комплексининг ташқи деворларини пардозлашда прогрессив жилокорлик материаллари, мармар ва гранитдан унумли фойдаланилади. Тез орада қурилиши бошлаб юбориладиган бу янги комплекс пойтахтимиз марказидаги Фурқат кўчасига оригинал қиёфа бахш этади.

К. ҚОБИЛОВ.

∴ ∴ ∴

СУРАТДА: Фурқат кўчасида қуриладиган Тошкент Давлат консерваторияси янги ўқув комплексининг эскизи.

Ф. Шарафиддинов фотоси.

ШАНБА ОҚШОМИ

● ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН ● ПРОСПЕКТ КЎРКАМЛАШАДИ ● ДОНОЛАР БИСОТИДАН ● АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА.

● Шаҳримиздаги жой номлари тарихини ўрганамиз

ЧИЛОНЗОР — «ЧИНОР БОҒИ»МИ?

Биз Чилонзор массивида турамиз. Кўпчилигимизни «Чилонзор», «Сергели», «Бешқайрағоч» номларининг келиб чиқиши қизиқтиради.

Муҳаммадали ҒАНИЕВ,
Тошкент Халқ хўжалиги институти студенти.

Одамларда ажойиб одат бор: улар фақат чақалоқларгагина эмас, балки ҳамма нарсаларга, шу жумладан, шаҳарларга, кўчаларга, паркларга, ҳаттоки, кўлларга, дарёларга, тоғларга ҳам ном қўядилар. Энг қизиғи шундаки, ҳар бир номнинг ўз мазмуни ва тарихи бор. Шу сабабли бирор территориянинг тарихини ўрганишни у ердаги географик номларнинг маъносини билишдан бошлаш анча ўринлидир. Чунки жойларнинг номи бу ерларда бурунги замонларда қандай ўсимлик ўсгани, қандай қабила истиқомат қилгани, қандай конлар борлиги ва қандай тарихий шахс қадам босганлиги тўғрисида ахборот беради. Шундай экан, биз қуйида бир неча географик номларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«Чилонзор» сўзининг маъноси тўғрисида иккита фикр бор. Биринчи— С. Қораев фикрича, Тошкент шаҳридаги Чилонзор райони Чилон деган ўсимликдан ном олган, Чилон жийда эса ана шу ўсимликка нисбатан бериб қўйилган деб ҳисоблайдилар.

Иккинчи — бу Н. Г. Маллицкий фикри бўлиб, пойтахтдаги Чилонзор аслида Чинорзор, яъни «Чинор боғи»дир. Бу нарса ҳақиқатга анча яқин бўлиши мумкин, чунки авваллари ҳам ҳозирги ўрнида Чинор дарахтлари жуда кўп ўсган. Чилонзор ёлғиз эмас, республикамизнинг Бухоро ва Сурхондарё областларидаги қишлоқлар худди шундай аталади.

«Сергели» — авваллари Сиргали (сирғали) деб талаффуз этилган. С. Қораев фикрича, Сиргали ҳозирги Жиззах область Зомин райони территориясида бир замонлар истиқомат қилган қозоқ қабилалари уюшмасидир. XIX аср охири XX аср бошларида сергелиларнинг кўпчилиги Қозиқурт, Коржонтов, Чимён тоғларининг этакларида, Болдом, Келес ва Чирчиқ дарёлари бўйларида ва ҳозирги Сергели райони ўрнида яшашган. Аслида сергелилар 12 қабилани ташкил этишган. Сиргали (Сирғали) уруғи ўзбеклар таркибига ҳам кирган.

«Бешқайрағоч» — пойтахтимизнинг жанубий қисмидаги жой шундай аталган бўлиб, бурун замонда бу ерда бир-бирига яқин ўсган бешта қайрағоч номига берилган бўлиши мумкин.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

● Фарзандларингиз учун

БОҒБОН ҚУШЛАР

Бизда боғбон-зағизғон,
Боғимизга у посбон.
Бордир яна попишак,
Қаноти худди ипак.
Куртга душман мусича,
Жиғилдонидир декча.
Сакраб учади читтак,
Овози худди ҳуштак.
Чирқ-чирқ қилади чумчуқ,
Чунки тумшуғи пучуқ.
Ин қўйибди қалдирғоч,
Қаноти қийғоч-қийғоч.

Улар турганда сайраб,
Диллар кетади яйраб.
Қушлар бизга фойдали,
Шуни билинг болалар.
Уларни биз сақласак,
Тозаланар далалар.
Бермангиз асло озор,
Ин қуринг, сепингиз дон.
Яшнасин деб боғ-роғлар,
Эъзозланг мисли меҳмон.

Саид НАЖМИДДИНОВ.

● Инсон қўли — гул

КОШОНАЛАР СИРИ НИМАДА?

Меъморлар бино мустаҳкамлигини таъминлашга алоҳида эътибор беришган. Улар бино жойлашган майдоннинг, уй пойдеворининг қисман чўкиши, ёрилишини, уй томи тўсинларининг вақт ўтиши билан бир оз ўтиришини назарда тутганлар. Бунинг учун меъморга бардош керак, қурилажак иморат ўрнини пухта ўрганиши ва у бино лойиҳасини дилида тузиб кўп вақт тафтиш қилиши керак. Буни қарангки, мазкур тадбирлар буюк алломалар эътиборидан четда қолмаган экан. Мирзо Бедил айтади:

Бино қуриш фикри гул очар экан,
Меъмор қалбин босар аввалги зил тош.

Ривоят: Нақл қилишларича, Шаҳрисабздаги Оқ саройнинг ғишткорлик ишлари битирилиши арафасида Темур усталарни обиданинг кошинкорлик ишларини бошлашга шошира бошлайди. Амирнинг зўрма-зўраки шоширишига бардош беролмай бош меъмор бино гумбазининг марказига ички томондан темир занжир бойлаб, ердан одам бўйидан сал баландроқ қилиб қолдириб, ўзи қочиб кетади. Бино нақшу-нигорини бошлаш учун бош меъмор ўрнини босадиган уста топилмаганлиги сабабли обида кошинкорлиги битмай қолади. Орадан икки йил ўтгач уста Шаҳрисабзга қайтиб келади. У сарой ичига кириб темир занжирнинг сезиларли даражада пасайганини кўриб амир Темур олдига боради ва обида безагини бошлаш учун рухсат сўрайди. Амир унга:

— Нега бинонинг кошинкорлик ишларини бошламасдан қочиб кетдинг, — дейди.

Уста шундай жавоб беради:

— Қурилиш қоидасига биноан бино безагини бошлашдан олдин уйнинг гумбаз, равоқ, пештоқи ўз ўрнига тушишига вақт керак эди. Буни айтсам, менга ҳеч ким ишонмаслигини фаҳмлаб, бекинишга мажбур бўлдим.

Амир устанинг яхши ниятда яширинганлигига ишонч ҳосил қилгач, уни рағбатлантиради ва обидага сайқал бериш ишларини бошлашга рухсат этади.

Абулқосим Фирдавсийнинг халқ орзу-умидларини тараннум этган «Шоҳнома» достонида Малойин қасрини қураётган уста қурилишни тўхтатиб, 3 йилгача қочиб юрди. Қайтгандан сўнг Хисравга шу вақт ичида деворнинг 7 газга қисқарганини кўрсатади. Хисрав устанинг ҳақлигига ишонч ҳосил қилади ва уни кечиради, ишни давом эттиришга розилик беради.

Абулқосим Фирдавсий бу қоидани моҳирлик билан қуйидагича тасвирлайди:

Шитоб айласа у қурмоққа айвон,
Дарз кетса, татимас унга ошу-нон.
Тун пайти йўқолди кўздан у коргар,
Шундан сўнг ҳеч кимса топмади хабар.

Одат: Тожикистоннинг айрим тоғ қишлоқларида ҳашар йўли билан янги уйнинг битганлигини нишонлаш учун томнинг устида кураш — «ғўстингири» уюштирилар экан.

Нурота тоғ тизмасидаги айрим қишлоқларда қадим даврларда янги уй томи ёпилгандан сўнг устига болалар чиқарилиб қўйилган, кейин эса томга анча вақтгача ёнғоқ отганлар. Ёш болалар томнинг устида бир-бири билан талашиб ёнғоқ терганлар.

Мазкур одатлар мағзида, биринчидан уйнинг битганлигини нишонлашни, иккинчидан уй томи мустаҳкамлигини синаш, тўсин, вассаларнинг ўз ўрнига ўрнашишини таъминлаш назарда тутилган бўлса керак.

Факт: Хоразмдаги қадимий Тешик-қалъа обидасининг чўкиб қолган шимолий-шарқ томон деворининг пастки қисмидан бир нечта кичкина думалоқ «шариклар» — золдир топилган. Девор мағзидан топилган мазкур золдирлар ҳеч қандай конструктив вазифани бажармаган. Олимларимизнинг тахмин қилишларича, бундай золдирлар яхши қаланмаган девор мағзига қўйилган. У иморат деворининг мустаҳкам бўлишига устани ишонтирувчи омил бўлиб хизмат қилар экан.

Саъдий Шерозий айтади:

Қай бино асоси эмасдир маҳкам,
Баланд кўтармагил, бермагил ҳашам.

Д. НОЗИЛОВ,
архитектор.

ТОШКЕНТ СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. АБДУЖАББОРОВА: Мен илмий-текшириш институтида ишлайман. Уч ёшли фарзандим бор. Лекин мени маъмурият командировкага боришдан бош тортганлигим учун жазолади. Айтингчи, уларнинг бу иши тўғрими?

Жавоб: Меҳнат қонунлари тўғрисидаги амалдаги асосларга кўра маъмурият бир ёшдан саккиз ёшгача фарзанди бўлган аёлларни уларнинг хоҳишисиз командировкага юбориши мумкин эмас. Шундай экан, маъмуриятнинг Сизга нисбатан қўллаган жазоси тўғри эмас.

* * *

Р. АҲМЕДОВ: Фарзандимизга яқинда мотороллер олиб берган эдик. Уни шу кунларда тузаттиришимиз керак бўлиб қолди. Шу сабабли мотороллерларни тузатадиган устахоналар адреси ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизда мотороллерларни ремонт қилиб берадиган устахоналар кўп. Бинобарин, Сиз Чилонзор районида истиқомат қилар экансиз. «Ўзбекфильм» киностудияси ёнидаги мотоцикл ва мотороллерларни ремонтдан чиқарадиган устахонага боришингиз мумкин. У Комил Ерматов кўчасига жойлашган. Устахона якшанба кунларидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч соат 18 гача мижозлар хизматида бўлади.

* * *

М. КЎЧАРОВ: Улуғ Ватан уруши пайтида мен фронтда яраланган эдим. Лекин яраланганлигим тўғрисида ҳеч қандай справкага эга эмасман. Энди эса мана шундай ҳужжат керак бўлиб қолди. Шу хусусда қаерга мурожаат қилишим кераклигини айтиб беролмайсизми?

Жавоб: Биринчи навбатда ўзингиз истиқомат қилиб турадиган район ҳарбий комиссариатига мурожаат этишингизни маслаҳат берамиз. Бундан ташқари Сиз фронтда ярадор бўлганлигингиз ҳақидаги, Улуғ Ватан уруши пайтида госпиталларда бўлганлигингиз тўғрисидаги маълумотларни олмоқчи бўлсангиз, СССР Мудофаа министрлигининг ҳарбий-медицина музейига мурожаат қилишингиз мумкин. Бу музей Ленинград шаҳрининг Лазарет переулогидаги 2-уйда жойлашган.

* * *

Н. ТОЖИЕВА: Мен телефонистқалик касбига қизиқаман. Шу касбни қаерда ўргансам бўлади?

Жавоб: Республика шаҳарлараро телефон станцияси қошида коммутатор цехларида ишлайдиган телефонистқаларни тайёрлайдиган доимий курслар ишлаб турибди. Бу курсларда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касб ўрганиш мумкин.

* * *

Х. МИРЗААЛИЕВ, Н. ЭГАМОВ: Биз яқинда Фарғона шаҳридан Тошкентга саёҳатга келган эдик. Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан жуда қизиқиб танишдик. Айниқса, шаҳар марказидаги «Жасорат» комплексини марок билан кўздан кечирдик. Бизда шу комплекс муаллифларини билиш иштиёқи туғилди. Илтимос шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: «Жасорат» комплексининг муаллифлари — ҳайкалтарош Д. Б. Рябичев, архитекторлардан С. Р. Одилов, В. А. Ғаниев ва Р. З. Юсуповлардир. Улар адабиёт, санъат, журналистика ва архитектура соҳасидаги 1979 йилги Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлишган.

ФИЛАТЕЛИЯ БУРЧАГИ

СССР Алоқа министрлиги КПСС XXVI съезди, Совет-Ҳиндистон кемачилари ҳамкорлигининг 25 йиллиги, академик М. В. Келдишга бағишланган бир туркум янги почта маркаларини муомалага чиқарди.

СУРАТДА: янги почта маркаларидан намуналар.

НАБОТОТ — ҲАЁТ МАНБАИ

Ноёб дарахт

Ер шарида ўсимликларнинг турлари жуда кўп. Лекин кишилар ўз хўжалик фаолиятларида жуда оз ўсимликлардан фойдаланадилар. Ер шарида 300 минг ўсимлик тури бўлса, шундан 6 минг туридан инсон ўз кундалик фаолиятида фойдаланмоқда. СССРда хўжалик аҳамиятига эга бўлган 17 ярим минг ўсимлик тури бўлиб, ҳозирча фақат 250 туридан хўжаликда кенг ишлатилади. Ер шарида, инсоннинг ўсимликларга бевосита кўрсатаётган таъсири натижасида жуда кўп ўсимликлар ниҳоятда камайиб қолмоқда. Масалан, Италияда 129, Польшада 134, Чехословакияда 108, Грецияда 72, Исроилда 34 ўсимлик тури кам учрайдиган ёки камайиб кетаётган ўсимликлардир. СССРда ўсимликларнинг 600 тури инсон таъсирида ноёб турга айланиб қолди.

Камайиб бораётган ўсимлик турлари Ўзбекистонда ҳам учрайди; арча, писта, лола, ёввойи пиёз, саксовул ва бошқалар шулар жумласидандир, уларни нест-нобуд қилиш ёки кесиш қатъий ман этилган.

Ноёб ва турни камайиб бораётган ўсимликларни муҳофаза қилиш, қайта кўпайтириш жуда муҳим масаладир. Ноёб ўсимликлардан бири Секвойя дарахти бўлиб, у табиатнинг мўъжизаларидан бири ҳисобланади. Уларнинг баландлиги 135 метр, танасининг қалинлиги эса 12 метрга етади, уруғи майда бўлиб, катталиги 4—5 миллиметрга тенгдир. Бу дарахтнинг номи 1770 — 1843 йилларда яшаган, ҳинд алфавитининг асосчиси, ҳиндларнинг «Ирокез»лар қабиласидан келиб чиққан кишининг «Секвойя» исмидан олинган. Секвойяни мамонт дарахти деб ҳам аташади. Унинг шох-шаббалари сийрак, қуббаси (меваси) кабутарнинг тухумидай катталикда бўлади. Ёғочи енгил, оқ рангли ва жуда мустаҳкамдир.

Бир вақтлар планетамизнинг кўпгина қисмини бу дарахтлар қоплаган эди. Уларнинг вужудга келиши бўр ва юра даврларига мансубдир. Ҳозирги пайтда уларнинг табиий ўрмонлари Калифорниянинг Тинч океани соҳилларида, Сьерра Невада тоғларининг ғарбий қияликларида учрайди. Бу ўрмонларнинг умумий майдони 1 миллион гектарга яқиндир. Секвойянинг энг катта дарахтлари АҚШнинг миллий паркларида учрайди. Энг машҳурларига «Марк Твен», «Джеймс Қироли», «Даниел Вебетер»,«Генерал Хан Хок» ва бошқа номлар берилган. Энг катта секвойянинг баландлиги 135 метрга тенг бўлиб, у Кёльн эҳромидан атиги 22 метр пастроқдир, танасининг қалинлиги 12 метрга тенг. Иккинчи энг баланд дарахтнинг бўйи 111 метр, қалинлиги 12 метрдан ортиқ. «Баҳайбат бўз» номли энг қари дарахтнинг ёши 3800 га тенг. Ана шундай дарахтларнинг бирининг танасидан тоннель ўтказилган бўлиб, унинг ичидан енгил машиналар бемалол ўтаверади. Бир секвойя дарахтида 1800 кубометр ёғоч бўлиб, ундан 50 та 5 хонали уй қуриш мумкин. Бир гектардаги дарахтларнинг умумий запаси 20—25 минг кубометрга тенг.

Секвойянинг қизғиш рангли ёғочи жуда қимматли бўлиб, у сув ости иншоотлари, иморатлар, кўприклар қуришда ишлатилади. У СССРда 1840 йилдан ўстирила бошланди. Қримнинг жанубий қирғоғи, Кавказ ва Краснодар ўлкасининг Қора денгиз соҳилларида секвойя дарахтларининг юзлаб гектар ўрмонлари барпо этилган. Секвойя уруғлари ва қаламчалари билан кўпайиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида ҳам секвойя дарахтини ўстириш мумкин. Масалан, Самарқанд шаҳридаги секвойя дарахтининг баландлиги 32 метрдан ошади. Бу ноёб, ғоят манзарали ўсимликни кўпайтириб, шаҳарларимиз боғлари, кўчаларига эксак, уларнинг чиройига яна чирой қўшилиб кўркам бўлади.

М. СОБИРОВ,
Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.

— Вой бў-ў-ў! Шикоятлар жуда кўп-ку!

— Шунинг учун хўрандалар жуда оз-да!

— Сўрашпти. Сенга нисбатан қандай маъмурий чора кўрган эдик. Эслай олмайсанми?

— Сув юқмас материалдан тикилган костюм.

Изоҳнинг ҳожати йўқ.

А. ҲОЛИҚОВ чизган расмлар.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Америкалик олимлар кашанда учувчининг умумий ҳолатини кузатиб бордилар. Натижада учувчида кўриш қобилиятининг сусайиши ва диққат-эътиборнинг пасайиши, ҳаракатни бошқаришнинг ёмонлашуви, содир бўлиши мумкин бўлган турли тасодифларга эса секинлик билан хулоса чиқариши, яъни лоқайдлик билан қараши кузатилди. Самолёт кабинаси тутунга тўлгач, кашанда ёнида ўтирган чекмайдиган учувчида ҳам юқоридаги ҳолатлар юз берди.

* * *

Москваликлардан бир группа аёлларга шундай савол беришди:

— Агар эрингиз оилангизни моддий жиҳатдан тўла таъминлай олса, сиз ҳеч қаерда ишламасдан бутун умрингизни уйда ўтказишга бағишлар эдингизми?

Аёлларнинг тўртдан уч қисмидан қуйидагича жавоб олинди:

— Аёллик бурчи ва оилавийлик шарафини фақат меҳнат билан улуғлаймиз, муштарак деб биламиз.

Уларга яна қайта савол беришди:

— Агар эрингиз олаётган иш ҳақи иккалангиз оладиган иш ҳақига тенг келадиган миқдорда бўлса, сиз шу вақтда ҳам ишлашни давом эттирар эдингизми?

Бунга жавобан аёлларнинг жавоби қуйидаги мазмунда бўлди: улар ўзларини қанчилик уй ҳокими деб ҳисоблашмасин, барибир улар жамоат ишларида актив иштирок этсаларгина, ўзларини бахтли ҳисоблайдилар.

* * *

Атеросклероз хасталигини шу кунга қадар ёши улуғлар ёки ўрта ёшлилар касаллиги, деб ҳисоблашар эди. Илмий кузатувлардан шу нарса маълум бўлдики, бу хасталик ёш болаларда ҳам учрар экан. Нидерландияда 9—12 ёшли болалар ўртасида илмий кузатув ўтказилди. Натижада ўғил болаларнинг ўн тўрт процентида, қиз болаларнинг ўн олти процентида хасталик аниқланди. Уларнинг қонида холестерин моддаси кўплаб топилди. Беш проценти семириш хасталигига, икки проценти ўта кашандалиги ва кўпчилигида қон босими ортиқ эканлиги аниқланди. Бундан қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: болаликдан бошлаб кам ҳаракатлилик ва семиришга қарши курашиш, кўп овқат истеъмол қилмаслик ва зарарли одатларга қарши курашиш лозим.

Ю. АҲРОРОВ.

● Дам олиш соатида

«ТЕХНИКА» ЧАЙНВОРДИ

1. Энг кучли учириш аппарати. 2. Кўп ўринли, йўловчилар учун мўлжалланган автотранспорт. 3. Ҳаво лайнери. 4. Жанговар ҳарбий техника тури. 5. Спорт автомобили. 6. Рельсларда ҳаракатланувчи транспорт воситаси. 7. Энг кичик метраждаги автомобиль. 8. Двигателнинг поршень ҳаракатланадиган қисми. 9. Медицина аппарати. 10. Мотоцикл маркаси. 11. Венгрияда ишлаб чиқарилаётган автобус номи. 12. Мотоциклнинг, автомобилнинг юриш тезлигини ва босиб ўтилган йўлни кўрсатувчи асбоб. 13. Электр қурилма. 14. ГАИ установкаси. 15. Двигателдаги энг кичик қисм.

Тузувчи: А. МИРЗАЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Ҳафталик программа

18 МАЙ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.25 «Оловли рейслар». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «Беш йиллик ва коллектив». «Сибирь тупроғи». Тюменни социал ривожлантириш ҳақида. 20.00 «Ёшлик қўшиқлари». Фильм-концерт. 20.25 «Ҳаммаси тамом бўлди». М. Горький номли СССР Иттифоқи Москва Бадиий академик театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор— Э. Олби. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳаммаси тамом бўлди». Фильм-спектаклининг давоми. 23.10 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг учинчи программаси

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 «Фан оламида». 9.35, 10.35 Тарих. 6-синф. Уйғониш даврини ўрганиш. 10.05, 15.05 Ҳунар-техника таълими билим юртлари ўқувчилари ҳамда тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Рус тили. 11.05, 16.35 Д. Кедрин поэзияси. 11.40, 12.30 Ботаника. 5-синф. Ўсимлик — бир бутун организм. 12.00 Меҳнат таълими ўқитувчисига ёрдам. 12.50 «Денгиз ёқасидаги музей». Илмий-оммабоп фильм. 13.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. II курс. 14.25 КПСС XXVI съезди қарорлари асосида халқ хўжалигини ривожлантиришнинг актуал масалалари. 15.35 Шифокор экрани. Поликлиникада меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ташкил этиш. Ўқитувчи экрани. 17.10 Ботаника. 5-синф. Езги кузатишлар. 17.30 Кўрсатувлар программаси.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Халқаро панорама». 20.15 «Халқ оҳанглари». 20.30 Дзю-до бўйича Европа чемпионати. Венгриядан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Ўтмиш билан учрашув». Бадиий фильм. 23.45 Велосипед бўйича жаҳон пойгаси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Яшил хандори». Мультфильм. 18.30 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади «Хотира вахтаси» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари олдидан. Мирзо Турсунзода. Ёзувчи туғилган куннинг 70 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақс гулшанида». М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг солистлари иштирокида концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга. «Чорвачилик — зарбдор фронт». Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев сўзи. 22.30 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.40 «Шашмақом». Музикали телефильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Қизиқувчилар экрани». 19.10 «Халқаро музейлар кунига. «Серқуёш ўлка палитраси», «Балкар». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 19.30 Биология. Биосфера ва инсон (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 СССР халқларининг куйлари. 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.50 Чим устида хоккей бўйича биринчи лига хотин-қизлар командалари ўртасида СССР чемпионати. «Маяк» (Ереван) —«Чевар» (Самарқанд). «Политотдел» (Тошкент области) — «Спартак» (Ульяновск) (Ёзиб олинган).

19 МАЙ — СЕШАНБА

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика 10.05 «Солдат эртаги». Мультфильм. 10.20 Э. Олби. «Ҳаммаси тамом бўлди». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва Бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма. 16.10 Львов шаҳар «Электрон» вокал-хореографик ансамблининг концерти. 16.35 В. И. Ленин номли пионер ташкилоти туғилган кунга. «Советлар мамлакатининг пионерлари». Ҳужжатли фильм. 16.55 А. Флярковскийнинг кантатасини Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг болалар Катта хори ҳамда Воронеж филармониясининг симфоник оркестри ижро этади.

17.20 Енгил атлетикачи спортчилар ҳақида ҳужжатли фильм. 17.50 Пионерлар VIII Бутуниттифоқ слётининг очилиши. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 18.55 «Ҳамма, ҳамма нарсадан ҳам...» Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Тажриба». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.20 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевизион викторина. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Динамо» (Минск) Донецкдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — Велосипед бўйича жаҳон пойгаси. 23.45 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг учинчи программаси

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05, 17.10 «Шахмат мактаби». 9.35, 10.35 География. 7-синф. 10.05, 15.35 Педагогик маҳорат дарслари. 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35 Химия. 10-синф. Химия — СССР халқ хўжалигида. 12.05 Ҳунар-техника таълими билим юртларининг талабаларига. В. В. Маяковский шоир ва шеърият ҳақида. 13.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. III-курс. 14.20 В. Шекспир. I-қисм. 15.05 Тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Математика. 16.05 М. П. Мусоргский. 16.50 Ўқитувчи экрани. Табиатшунослик. 4-синф. 17.40 Кўрсатувлар программаси.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 Халқаро мавзуларда суҳбат. КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятиннинг чиқиши. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 21.30 «Время». 22.05 «Дуэнья». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Биз — пионерлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Ўтилган материални такрорлаш». Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 16.45 Кўрсатувлар программаси. 16.50 Тошкент шаҳар мактаблари ўнг қанот дружиналарининг тантанали линейкаси. 17.45 «Шингашнинг мовий марвариди». Ҳужжатли фильм («Тожиктелефильм»). (рус.).

18.00 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади. 19.30 Ахборот (рус.). 19.45 «Куйлар ҳам учрашди». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг тантанали очилиши. Тожикистон санъат усталарининг концерти. В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач — Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Адабиёт. Гёте. «Фауст» (рус.). 19.10 Классик композиторларнинг фортепьяно асарлари. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар». 20.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 21.50 «Саҳий сув». Телевизион ҳужжатли фильм («Тожиктелефильм») (рус.).

20 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Баранкин, одам бўл». Мультфильм. 10.35 «Қувноқ стартлар». 11.20 «Ҳайвонот оламида». 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Халхин-Гол». Телевизион ҳужжатли фильм. 16.20 Э. Григ. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун до минор сонатаси. 16.45 «Рус тили». 17.15 «Ровесник» болалар хореографик ансамблининг чиқиши (Минск).

18.00 «Ёшлар адреслари». 19.00 «Ленин, болалар ва давр». Илмий-оммабоп фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Талабаларингизга биноан учрашувлар». Тожикистон ССР Норак шаҳри меҳнаткашларининг саволларига жавоблар. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради. 20.25 «Фақат қуёш тилларанг эмас». Бадиий фильм премьераси (ГДР). 21.30 «Время». 22.05 «И. С. Козловский ижоди. Турли йилларда суратга олинган». Музикали фильм премьераси. 22.50 «Дунё воқеалари». 23.05 «Давлат Третьяков галереяси заллари бўйлаб». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг учинчи программаси

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 9.35, 10.35 Астрономия. 10-синф. 10.05, 16.25 Сенинг ленинча кутубхонанг. «Давлат ва революция». 11.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35 «Халқнинг келар йўлини майса-ўтлар қилмас банд». 12.05 Уйғониш даврининг санъати. 4-кўрсатув. 12.45 «Асрий Тайга». Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инженерлик графикаси. I курс. 14.20 В. Шекспир. 2-қисм. 15.10 Тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Физика. 15.40 Г. Свиридов ижодида Пушкин мотивлари. 16.55 Кўрсатувлар программаси.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 Р. Габичвадзе. «Медея». Фильм-балет. 20.40 «Архитектура. Олимпиада иншоотлари». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Таврия» (Симферополь). «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 23.45 Велосипед бўйича жаҳон пойгаси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Физика ва илмий-техник революция». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Алоқа ўрнатилди», «Довон». Телевизион ҳужжатли фильмлар («Тожиктелефильм»). 12.30 «Физика ва илмий-техник революция». Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Винни-Пух меҳмонга боради». Мультфильм. 18.30 «Ёш дуторчилар». 18.50 «Интернационализм — бизнинг байроғимиз». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж (рус.). 19.15 «Боғлар тоғлар томон бормоқда». Телевизион ҳужжатли фильм («Тожиктелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Мулоҳаза. Муҳокама. Мунозара». Кўрсатувда «Узколхозстрой» Давлат кооператив бирлашмасининг раиси И. А. Ашуров иштирок этади. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари адабий қисмининг очилишига бағишланган тантанали кеча. «Баҳор» концерт залидан трансляция пайтида ёзиб олинган. Кўрсатув тугагач— Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Оператор Кипснинг янги саргузаштлари». 19.00 Биология. Биосфера ва инсон. 19.30 «Авлодлар биографияси». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 21.20 «Менинг уйим, менинг оилам». Телевизион ҳужжатли фильм («Тожиктелефильм») (рус.).

21 МАЙ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Икки марта Қизил Байроқли А. В. Александров номли Совет Армияси ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.50 «Фақат қуёш тилларанг эмас». Бадиий фильм (ГДР). 11.55 М. И. Глинка. «Руслан ва Людмила» операсидан симфоник парчалар. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Грузия телевидениесининг ҳужжатли фильмлари программаси. 16.25 «Скрипкачи Д. Блажен». Фильм-концерт. 16.45 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи. Эндшпиль. 17.15 Болгария маданияти кунларига. Добруджан Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.45 «Миллионлар ленинча университети».

18.15 Москва шаҳар пионерлари ва VIII Бутуниттифоқ пионерлар слёти делегатларининг тантанали йиғилиши. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Фан оламида». 20.05 Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Литвиненко куйлайди. 20.15 «Имерентинча никоҳ». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Дўстларимиз чеҳраси». 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 Велосипед бўйича жаҳон пойгаси.

Марказий телевидениенинг учинчи программаси.

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 «Оналар мактаби». 9.35, 10.35 И. В. Гёте. «Фауст». 9-синф. 10.05 Совет композиторлари ижодида халқ қўшиқлари. 11.05 Испанча сўзлашинг. 11.35, 12.45 Умумий биология. 10-синф. 12.05 Уйғониш даврининг санъати. 5-кўрсатув. 13.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. II курс. 14.25 А. Толстой асарлари саҳифаларида. 15.10 Тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Математика. 15.40 «Жиноят». Бадиий фильм. Субтитр билан. 2-серия. 1-қисм. 16.45 Кўрсатувлар программаси.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Эквилибрист». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бодрик». Мультфильм. 18.30 Болалар учун концерт. 19.00 Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва республика Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Тбилиси». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Афшона — Абу Али ибн Сино ватани». Ҳужжатли фильм. 20.00 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. «Тожикистон рассомлари». Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма залидан кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. Тожикистон ССР Давлат телевидениеси ва радиоси «Зебо» рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Солдат отаси». Бадиий фильм («Грузияфильм»). 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Мўъжиза қовоқ». 19.10 Реклама. 19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Авлодлар эстафетаси». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Бунёдкорлик уфқлари». 20.50 Абитуриентлар учун. Физика.

22 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Дуэнья». Телевизион бадиий фильм. 11.35 Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Баландлик билан даволаш», «Қишлоқ стадиони». 12.05 «Ёшлар ижоди». 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқдаги оддий иш кунлари». Кинопрограмма. 15.50 Урал баянчилар триоси чалади. 16.15 Финляндия Компартияси XIX съездининг очилишига. «Финляндия бўйлаб». Кинопрограмма. 16.35 Грузия Давлат хор капелласининг концерти. 17.20 «Москва ва москваликлар».

17.50 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Буратино саргузашти». Мультфильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 20.05 Халқ оҳанглари. 20.20 «Имеретинча никоҳ». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.30 «Театр ва давр». КПСС XXVI съездига бағишланган спектаклларнинг Бутуниттифоқ кўриги ҳақида. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг учинчи программаси.

9.00 Кўрсатувлар программаси. 9.05 Рус тили. 9.35, 10.35 Тарих. 4-синф. Совет кишилари коммунизм қурадилар. 10.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари учун. Физика. 11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.35 География. 5-синф. Ер шари аҳолиси. 12.05, 15.35 Рус санъати. Егоч ўймакорлиги. Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 13.05 Олий математика. I курс. 14.20 Совет ҳуқуқи. Суд ва арбитраж. 15.05 Тайёрлов бўлимларининг тингловчиларига. Физика. 16.05 В. Овечкин. Асарлари саҳифаларида. 16.50 Педагогик маҳорат дарслари. Психология фанлари доктори Ш. А. Амонашвили иш тажрибасидан. 17.20 Кўрсатувлар программаси.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳргар Баҳром мулки». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.30 «Тихомировнинг фожиаси». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «А. С. Пушкин яшаган жойлар бўйлаб». «Болдино». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари» (такрорий). 12.30 А. Н. Толстой. Ижодининг обзори. Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 17.55 Кўрсатувлар программаси.

18.00 «Тоғлар қўшиғи». Қўғирчоқ фильм («Тожикфильм»). 18.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 18.40 Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва республика Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Биз— Руставиданмиз». Музикали телефильм. 19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати «Пахтакор» — «Қайрат» (Олмаота). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.). 20.50 «Ахборот». 21.10 «Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш». 21.30 Москва. «Время». 22.30 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. «Дўстларимиз киносанъати». 23.40 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Бўғирсоқ ҳақида эртак». 18.50 Абитуриентлар учун. Она тили. 19.30 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 Абитуриентлар учун. Математика.

23 МАЙ— ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 10.20 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 10.50 «Москвичка». Телевизион клуб. 12.20 «Спортлото»нинг 21-тиражи. 12.30 Хизмат кўрсатган Грузия Давлат академик халқ рақс ансамблининг концерти. 14.15 «Ота-оналар, Сизлар учун». 14.45 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. Финляндия. 15.20 «Дунё воқеалари». 15.35 «Ананси». Мультфильм. 15.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 16.55 Пионерлар VIII Бутуниттифоқ слётининг ёпилиши. «Санъат усталари — болаларга». Концерт. Москва шаҳар Пионерлар саройидан олиб кўрсатилади.

17.55 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 18.40 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 19.10 «Ўша кунлар хаёли билан». СССР халқ артисти О. Бардина иштирокида фильм-концерт премьераси. 19.40 «Пиренеялар ортида — Испания». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Кўрсатувни автор— сиёсий шарҳловчи А. Потапов олиб боради. 20.30 Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ва республика Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Грузия ССР санъат усталарининг концерти. 21.30 «Время». 22.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Тбилиси). Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 10.05 «Тонгги почта» музикали программаси. 10.35 «Африканич». Телевизион бадиий фильм. 11.45 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи. Эндшпиль. 12.15 «Сиз яратган боғ». 12.45 Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Халқаро мусобақалар. «Крилатское» эшкак эшиш Олимпиада каналидан репортаж. 13.15 И. Брамс. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун соната. 13.45 «Рус тили». 14.15 «Фан оламида». 14.45 М. Горький. «Васса Железнова». ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 16.30 «Г. Чохели куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 17.15 Останкино концерт студиясида юмор кечаси.

18.45 «Музикали киоск». 19.15 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. АСК (Ростов-Дон)— «Спартак». 2-тайм. Ростов-Дондан олиб кўрсатилади. 20.45 «Инсон ва қонун». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.15 «Кўл бўйида». Бадиий фильм. 1-серия. 23.55 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Кубань». (Краснодар). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 10.30 «Навбатдан ташқари ўйин». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли (рус.). 11.30 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 12.00 «Отни ким эгарлайди». Бадиий фильм («Грузияфильм»). 13.10 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси этнографик ансамблининг концерти. 14.10 «Шахмат мактаби». 14.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз— 80-йиллар комсомоллари».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Қувноқ карусель», «Дўстлар». Мультфильмлар. 18.45 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. «Шоирлар— болаларга». Миршакар. 19.15 «Булутлар остидаги қўриқ». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм») (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 Ўзбекистонда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунлари. «Оламга саёҳат». Кино-саёҳат. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Анонс, анонс...!». Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг солисти Н. Нурмуҳамедова иштирокида эстрада программаси. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Қишлоқ хўжалиги: тажриба ва проблемалар». 22.40 «Марҳабо, Май». Музикали программа. 1-бўлим, (такрорий). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

24 МАЙ— ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 «Зарядкага сафланинг!». 10.10 «Будильник». 10.40 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». Чегарачилар кунига. 11.40 «Здоровье». илмий-оммабоп программаси. 12.25 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.00 «Қишлоқ янгиликлари». 14.00 «Музикали киоск». 14.30 А. Цагарели. «Хонума». М. Горький номли Ленинград Катта академик театрининг фильм-спектакли. 16.50 «Киносаёҳатчилар клуби» 17.50 Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. Римдан олиб кўрсатилади.

18.30 «Халқаро панорама». 19.15 Чегарачилар кунига. «Давлат чегараси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм. Биз ўз янги дунёмизни қурамиз». 1- ва 2-сериялар. 21.30 «Время». 22.05 «Катта симфоник оркестр билан бир соат». Д. Шостакович, О. Тактакишвили, Р. Леденев асарлари ижро этилади. Солистлар— РСФСР халқ артисти Е. Малинин ва В. Гончаров. 23.50 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.55 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси: «Авача қаерда жойлашган?», «Пятигорск». 10.30 «Халқаро Музейлар куни». Кўрсатувни А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музейининг директори И. А. Антонова олиб боради. 11.05 «Моҳир қўллар». 11.35 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали. ЧССР. 12.05 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Буратино саргузашти». Мультфильм. 13.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 14.00 «Қувноқ йигитлар». Ёшлар учун программа. 15.05 «Ҳайвонот оламида». 16.05 «Қалбга яқин қўшиқлар». 16.50 «Яна бир бор отлар ҳақида». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.05 «Очиқчасига гап». Кўрсатувда КПСС Курган область комитетининг биринчи секретари Ф. К. Князев ва КПСС Новгород область комитетининг биринчи секретари Н. А. Антонов иштирок этади. 17.35 Т. Хренников. Биринчи симфония. Карелия телевидение ва радиосининг симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — Карелия АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Э. Чивжель. Петрозаводскдан олиб кўрсатилади.

18.00 «Омега» варианти». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 19.10 «Театр учрашувлари». 20.30 Бадиий гимнастика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». Мультфильм. 21.30 «Время». 22.05 «Кўл бўйида». Бадиий фильм. 2-серия. 23.25 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар. «Спартак» (Москва области)— «ТТТ» (Рига). МАСК Универсал спорт залидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Рақс оламида». Тошкент хореография билим юрти ҳақида кўрсатув. 11.20 «Мультипанорама». Болалар учун кинокўрсатув (рус.). 12.00 «Қувноқ стартлар». 13.00 «Совет киноси усталари». Юрий Никулин. 14.00 «Инсон ва қонун». 14.30 Енгил атлетика кўпкураши бўйича СССР кубогининг ярим финали. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 15.00 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун». 15.30 «Ўзбекистон спорти». 16.00 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Жасур чигиртка». Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Ўйлаб топ?» (рус.). 19.00 «Ўзбекистон гиламлари ва сўзаналари». Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг кўргазма залидан кўрсатув. 19.30 Ахборот (рус.). 19.45 СССР халқ артисти Жўрабек Муродов иштирокида концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР халқ артисти Жўрабек Муродов иштирокида концерт (давоми). 21.30 Москва, «Время». 22.05 «Пилла —бойлигимиз». 22.15 «Марҳабо, Май». Музикали программа. 2-бўлим (такрорий). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

●

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/V да **Қиёмат қарз**, 17/V да **Ғариблар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —16/V да **Ишонмасанг ўламан**, 17/V да **Тўйдан олдин томоша**, 18/V да **Ҳижрон**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 16/V да **Янги программа. Кулги кечаси.**

КИНО

16 МАЙДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (1-сон) — **Лисунов номли.**
«ФИТИЛЬ» № 219» — **Искра.**
«КПСС XXVI СЪЕЗДИ» (2, 3-сон) — **Чайка.**
«ҚОНУН» — **Москва.**
«ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ»— **Дружба.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БЎСАҒАСИДА» — **Искра** (17, 20.00 да телефон 39-14-59).
«ОМАД УЧУН КИМ ЖАВОБГАР» —**К. Ерматов номли** (16, 17, 19, 20, 21.00).

17 МАЙДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (1 сон.) — **Лисунов номли.**
«ФИТИЛЬ» № 219»— **Искра.**
«КПСС XXVI СЪЕЗДИДА» (2, 3-сон) — **Чайка, Москва.**
«ҚОНУН»— **Москва.**
«ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ»— **Дружба.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЮК ИШЛАР БЎСАҒАСИДА»— **Искра** (17, 20.00 да телефон 39-14-59).
«ОМАД УЧУН КИМ ЖАВОБГАР» — **К. Ерматов номли** (11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 19, 20, 21.00).

Тошкент шаҳар Киров район Давлат страхованиеси бўлими томонидан берилган 212 № 140741 — 750 ва 25 № 368740 номерли йўқолган
КВИТАНЦИЯЛАР
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
19 МАЙ СОАТ 19.30 ДА
200-СПЕКТАКЛЬ
Иззат СУЛТОН.
«Кўрмайин босдим тиконни»
(2 пардали драма)

Саҳнага қўювчи режиссёр— Р. Ҳамидов.
Рассом— У. Сайдалиев.
Ролларда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари, СССР Давлат мукофотининг лауреатлари: Е. АҲМЕДОВ, Т. АЗИЗОВ; Ўзбекистон ССР халқ артисти П. САИДҚОСИМОВ; Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. НОРБОЕВА; Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Г. ЖАМИЛОВА, О. ЮНУСОВ.
Касса соат 10.00 дан очиқ.
Билетлар сотилмоқда.
Телефонлар: 44-24-47, 44-57-75.

---

18 МАЙ ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ
«Ҳурмат белгиси» орденли республика давлат табиат музейи
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ
МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ КЎРИШ МУМКИН.

Ер юзида ҳаётнинг келиб чиқиши ва ривожланиши.
Органик дунё эволюцияси.
Инсоннинг келиб чиқиши.
Республика табиати бойликлари ҳамда ундан фойдаланиш.
Илмий-оммабоп фильмлар кўрсатилади ва экскурсиялар уюштирилади.
Музей эшиклари соат 10 дан 17.00 гача очиқ.
КИРИШ БЕПУЛ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 16-уй (1, 4, 14, 18, 21-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати; 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Чорсув» бекати, 38, 49, 59, 65, 76, 100-автобусларнинг «Октябрь бозори» бекати).

ЛЬВОВ ШАҲРИДАГИ
«Прогресс» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пойабзаллари

— ЎЗИНИНГ ЮКСАК ГИГИЕНИК ХУСУСИЯТЛАРИ, ҚУЛАЙЛИГИ ВА НАФИСЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ. БУНГА ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА
«ТАШОБУВЬТОРГ»НИНГ 17-МАГАЗИНИДА
20—25 МАЙ КУНЛАРИ
ЎТКАЗИЛАДИГАН

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА

МАРҲАМАТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

Львов шаҳридаги «Прогресс» пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси сизнинг диққатингизга баҳорги — ёзги мавсумга мўлжалланган пойабзалларни ҳавола қилади:

баланд пошнали ёрқин рангли туфлилар,
ўрта пошнали босоножкалар,
панталетлар;
эркаклар учун — полуботинкалар, сандалетлар;
ўғил болалар ва қиз болалар пойабзаллари, болалар ва кичик ёшдаги болалар сандалетлари.

17-магазин адреси: Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси, Марказ — 4 квартали, 11-уй (16, 23, 27-трамвайлар, 4, 18-троллейбусларнинг «Дўстлик» меҳмонхонаси» бекати).

САВДО-КЎРГАЗМАСИ

ТАШОБУВЬТОРГ».

«Союзторгреклама» , Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

16 МАЙ— ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.10 Жаҳон ва Европа чемпионлари —СССРнинг хоккей бўйича терма командаси билан Останкинонинг қишлик боғида учрашув. 19.10 Халқаро мавзуларда суҳбат. КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятиннинг чиқиши. 19.55 Вена симфоник оркестри ижросида И. Штрауснинг «Гўзал мовий Дунайда» вальси. Дирижёр — В. Заваллиш (Австрия). 20.05 «Алвасти». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Алвасти». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг давоми. 23.05 «Альпларда қорли карнавал».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.10 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мешчерин раҳбарлигидаги электр-музика чолғу ансамблининг концерти. 19.30 «Табассум учун миллион». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 20.45 «Музикали киоск». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сеҳрли экран». 21.30 «Время». 22.05 «Фақат мюзик холлда». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Виларжон қандай қилиб ҳаво шарини ўйлаб топди». Мультфильм. 18.40 Болалар учун. «Юлдузча». 19.10 «Қалбларда баҳор». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Мультипанорама». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Чотқол спектрлари». Телефильм. 21.00 «Янгра, дуторим». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвадор» программаси. Самарқанд область Нурота районидаги илғор чорвадорларининг тажрибаси. 22.25 «Қирол ҳомийлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия (рус.). 23.25 «Спорт оҳанглари». Телефильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

«Центрэнергоремонт» корхонаси коллективи корхона маҳаллий комитетининг раиси Р. А. Комилова отаси
Азиз ШОКОМОЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»), —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—33-55-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

16 МАЙ, 1981 й. Р—07136. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. Р—2125.